

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

*Атоқли санъаткор таваллудининг
100 йиллигига бағишланади*

ФАХРИДДИН СОДИҚОВ

куй, қўшиқ ва ашулалари

САЙЛАНМА

Toshkent
2014

Таҳрир ҳайъати:

Оқилхон ИБРОҲИМОВ, Камолиддин СОДИҚОВ, Равшан ЮНУСОВ

Масъул муҳаррир:

Ҳабибулла РАҲИМОВ

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор

Тузувчи:

Темур МАҲМУДОВ

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, созанда, устоз-мураббий

Тақризчилар:

Малика ЗИЁЕВА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент

Хайрулла АЗИЗОВ

созанда, устоз-мураббий

Ушбу сайланма Фахриддин Содиқовнинг бой ва ранг-баранг бастакорлик мероси намуналаридан тузилган. Унда баркамол ижроларда ҳануз янграб келаётган турли мавзу ила мазмундаги куй, қўшиқ ва ашула матнлари келтирилади. Асл муаллифлик қўлёзмалари, аввал нашр этилган айрим дурдона асарлар, шунингдек, муайян чолғуларга мослаштирилган нота мисоллари ҳам тўпламдан ўрин олган.

Хонанда, созанда ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун тавсия этилади.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
атоқли созанда, бастакор, устоз
ФАХРИДДИН СОДИҚОВ
1914-1977

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон мусиқа маданиятининг улкан намояндаси, беназир бастакор, созанда, устоз-мураббий Фахриддин Содиқов номи тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Унинг бастакорликда вужудга келтирган салоҳиятли **ижодий мактаби**, чанг ва дутор чалишда намойиш этган **тенгсиз маҳорати**, мақом ижрочилиги ила замонавий таълимини йўлга қўйишда кўрсатган алоҳида хизматлари юксак эътирофга сазовор бўлган.

Моҳир чангчи сифатида танилган ёш Фахриддин ўзининг ноёб истеъдоди, ўткир зеҳни ва меҳнатсеварлиги туфайли бирин-кетин эътиборли ижодий ютуқларга эришади. Жумладан, ўспиринлик чоғларида у Тошкент шаҳри, сўнгра республика миқёсидаги кўрик-танловларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилади. Малакали созанда бўлиб етишганда эса машҳур ҳамкасабалардан найчи Абдуқодир Исмоилов ҳамда қўшнайти ва сурнайчи Аҳмаджон Умрзоқовлар билан бирга 1939 йили Москва шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро танловда қатнашиб, Иккинчи даражали совринни қўлга киритишга муваффақ бўлади.

Ф.Содиқовнинг салкам ярим асрлик меҳнат фаолияти серқирра, мазмундор, ижодий жиҳатдан ниҳоятда самарали бўлди. У пойтахт мусиқали театрларида созанда, Ўзбек давлат филармониясига қарашли Халқ чолғулари оркестрида чангчи, янги ташкил этилган “Дуторчи қиз-жувонлар ансамбли”га мусиқий раҳбар, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Гавҳар Раҳимова бошчилигидаги “Фронт-концерт бригада”сида созанда ва мусиқа раҳбари, 1947-1953 ва 1957-1961 йилларда Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги Халқ чолғулари оркестри чангчиси, 1953-57 йилларда Эстрада театри таркибида тузилган ансамбл созандаси, 1961- йилдан Юнус Ражабий бошчилик қилган Ўзбекистон радиоси Мақом ансамблида чангчи ва мусиқа раҳбари, 1972- йилдан умрининг охирига қадар Тошкент давлат консерваториясида очилган Шарқ мусиқа кафедрасида устоз-муаллим бўлиб ишлади.

Фахриддин Содиқовни чанг даҳоси бўлган дейишга ҳақлимиз. У чолғунинг тузилиши, симларининг ўзаро тақсимланиши, созланиши устида кўп йиллар изланиб, бир неча маротаба шартли ўзгартишлар киритган ва амалий синовдан ўтказган. Ҳозирда анъанавий мусиқа ижрочилигида қўлланилаётган чанг чолғусининг узил-кесил такомиллашувида айнан устанинг қимматли улуши бор.

Айрим таниқли замондош чолғучилардан фарқли ўлароқ, Фахриддин Содиқов чангда, таъбир жоиз бўлса, “уриб” эмас, “териб” чалишнинг пири эди. Унинг ижровий фазилатлар тавсифини янада лўндароқ ифода этиш лозим топилса, аслида топқир ижодкор-созанда бўлган дейиш мумкин. Дарҳақиқат, устозона чолғучилик бобида Фахриддин-чангчи ҳаётлигида-ёқ афсонавий мусиқачига айланган эди. Зеро яқка ижрочиликда ҳам, турли хил жўрнавозликларда ҳам у кашф этган услуб ёрқин ва ноёб даражага етиб, забт этилган чўққилар ҳам бисёр бўлди. Шу босидан мумтоз миллий мусиқамиз, хусусан мақом меросимизни жонлантиришга ўтган XX- асрда яшаб салмоқли улуш қўшган ижодкорлар сафида Ф.Содиқов энг обрўли жойлардан бирини эгаллайди.

Ўзбек халқ мусиқа хазинасидан сара куй ва қўшиқлар, бус-бутунлигича мумтоз Шашмақом ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўллари, ўтмиш ва замондош бастакор-

лар асарлари, шу жумладан ўзининг муаллифлик асарлари Фахриддин Содиков бисотида марказий ўрин тутади. Устанинг касбий билим ва кўникмалари теран, ижодкорона ёндашув маҳорати ўткир бўлгани учун ижровий талқинлари ниҳоятда гўзал ва таъсирчан чиққан. Айни шу хусусиятлари билан ўзгаларникидан сезиларли даражада ажралиб туради ҳам. Бу ўринда айниқса Мақом ансамблида Ф.Содиков бевосита бошчилик қилган созандалар жамоасининг ҳавас қилгулик чолғу ижрочилиги касбий савияси, ёҳуд хонандаларга жўрлик тарзида чалиб муҳрлатган кўплаб намуналар бунга яққол далил бўлади. Чолғуларнинг тиниқ ва уйғун садолашиши, ширадорлиги ва услубий равонлиги бадиий баркамолликни таъминлаган ҳолда мумтоз мусиқа хазинамизни бебаҳо ижро ёндашувлари орқали бойитди.

1930-йилларнинг ўрталарида Ф.Содиков услубан халқчил, моҳиятан оммабоп куй ва қўшиқлар басталаш ишига қўл уради. Ижтимоий муҳитни яхши сезган иқтидорли санъаткорнинг илҳоми аввало замондош шоирлар шеърларига қанот бағишлагандек бўлди. Кейинги ўн йилликлар ичида у ҳассос бастакор сифатида ҳам яхши танилиб, санъат аҳлимиз, зиёлилар ўртасида муносиб обрў ва эътибор қозонади. Шу аснода 1940 йиллар охири – 1950 йиллар бошларидан унинг ижод ила устозлик сайёи-ҳаракатлари жадаллашади. Ф.Содиков қўл остидаги талайгина хушовоз хонандаларнинг ёши, феъли, овоз табиатига ярашгулик қўшиқ ва ашулалар тўқиб, касб тарбиясини пиштади. Устоз-созанда-бастакор ҳам ўз устида мунтазам шуғулланишга, машаққатли меҳнат орқали кўзланган марраларга етишга, мақсадга эришганидан ижодий қониқиб, завқу-шавқ ила руҳий мадат олишга одатланди. Зеро кенг тафаккур, теран билимдан ташқари нозик дид ва ўта талабчанлик унинг ибратли инсоний фазилатларидан эди.

Ҳассос бастакорнинг ижодий меросида 400 га яқин ранго-ранг асарлар ўрин олган. Булар ичида куй, қўшиқ, ашула ва ялалалар асосий қисмини ташкил этади. Шу жумладан, Ўзбекистон радиоси учун тўқилган нафис “чорлов” садолари аллақачон диёримизнинг ўзига хос мусиқий рамзига айланган. У неча-неча авлодлар руҳиятига таъсир кўрсатиб, дилларга қувонч бахш этиб келмоқда. Зеро Ватанимиз гўзал табиатининг ажиб манзаралари, кўркам ва мусаффо таровати, шунингдек ўзбек элининг қалб тўғёнлари унга жо этилгандек туюлади.

Ф.Содиков қаламига мансуб дурдона асарлар талайгина. Шулар жумласидан, “Ватан марши”, “Гулнор”, “Ўзбекча вальс”, “Ўхшарсиз”, “Раққоса” каби машҳур чолғу куйлари, “Эй чехраси тобоним” (Муқимий ш.), “Зебихон” (Б.Мирзаев ш.), “Дуторим”, “Қорабайир”, “Зарафшон” (А.Пўлат ш.), “Бир гўзал”, “Қарқаралик” (Миртемир ш.), “Ёр билиб”, “Барно йигит”, “Бўл менга маҳбуб”, “Ғр бўлсам дейман” (С.Зуннунова ш.), “Гўзал”, “Яшил қишлоқ”, “Гуллар водийси”, “Ширмоной” (“Менга навбат”), “Лайломисан сан”, “Зухрога” (Т.Тўла ш.), “Сўлим баҳор”, “Очил гулим” (А.Исроилов ш.), “Ўзбекистон дейдилар” (Ў.Рашид ш.), “Зарафшон”, “Олтин ижодкорлар” (П.Мўмин ш.), “Тўй муборак”, “Гулнора”, “Уёламан”, “Ҳаё” (М.Қориев ш.), “Бўз йигит”, “Оқ олтин карвон-карвон”, “Бол забоним онажон” (З.Обидов ш.), “Кўзим” (Р.Комилов ш.), “Вафодор” (Э.Раҳим ш.), “Дутор”, “Хумор” (Ё.Мирзо ш.), “Зулайҳо бўлсанг” (Ю.Шомансур ш.), “Қалбим ола кетдинг” (Ф.Усмонова ш.), “Ёрим тўқур хонатлас” (А.Бобожон ш.), “Ўйна гулим” (Н.Холхўжаева ш.), “Ҳаёлинг бирла ўлчангай” (Б.Туробова ш.), “Бахт қушимидинг” (Б.Исроил ш.) ва бошқалар миллий санъатимиз олтин хазинасидан ўрин олган.

Шунингдек, Ф.Содиков ижодий ҳамкорликда Б.Гиенко б-н “Ота ўғли” (Ҳ.Шарипов), “Ин бузарлар” (Ш.Низомиддинов), “Қонли рўмолча” (М.Қориев), С.ҳайитбоев б-н “Салтанат ларзада” (В.Саъдулла) мусиқали драма ва комедиялари, Т.Тошматов б-н “Янги Тошкент” вокал-чолғу сюита, “Оқсой шалолалари” (С.Анорбоев) радиоинсценировка мусиқасини басталаган.

Ҳассос ижодкор яратган дилрабо қўшиқ ва ашулалар ўз даврида номдор қўшиқчи, ашулачи ва ҳофизлар, кўзга кўринган созандалар, нуфузли ансамбллар ижро дастурларидан аримади. Унинг янги-янги асарларига жон бағишлаганлар сафида Коммуна Исмоилова ва Фароғат Раҳматова, Ориф Алимаҳсумов ва Карим Мўми-

нов, Мукаррама Азизова ва Мавлуда Аъзамова, Ҳабиба Охунова ва Холисон Қодирова, Зокиржон Султонов ва Суръат Пўлатов, Берта Довидова ва Зайнаб Полвонова, Сирож Аминов ва Шокиржон Эргашев, Исҳоқ Катаев ва Ҳадя Юсупова, Толибжон Бадинов ва Йўлдош Муллабоев, Турсуной Мамедова ва Нафиса Тўхтаева кабиларни тилга олмасдан илож йўқ.

Ф.Содиқов ўзининг оҳангдор асарлари билан **ҳазрати инсонни** ардоқлади, шарафлади. Ишқ ва садоқат, вафо ва ҳаё, орзу ва умид, меҳр ва жасорат, ёшлик ва гўзаллик, табиат ажойиботларини тараннум этувчи турфа назмий сатрларга ўзининг мафтункор қалб наволарини боғлади. Эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган катта санъаткор Она-диёримизни олқишловчи, меҳнат аҳлини улуғловчи, саҳоват-пеша замондош кишиларни муборакбод этувчи нурафшон асарларни тингловчиларга саҳийларча ҳадя этиб келди. Яна йиллар ўтиши, замонлар ўзгариши билан шунга амин бўламизки, ижодкорнинг ноёб мусиқавий тили, сози, овози, услуби, кашф этган бадиий сиймолари ХХI аср навосозлигида ҳам қадрли баландлигча сақланиб, аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Ф.Содиқовнинг устозлиги ижодкорлик фаолиятининг муҳим таркибий қисмига айланган эди. Пойтахт консерваториясида профессор Файзулла Кароматов сайиъ-ҳаракатлари билан бундан қирқ йил муқаддам устозона ижрочиликка оид таълим йўналиши жорий этилган экан, бир гуруҳ талабалар Фаҳриддин Содиқовдек пиру устозга шогирд тушиш бахтига муяссар бўлишди. Осиё мамлакатлари III- халқаро мусиқа минбарига йўлланган Ф.Содиқов бошчилигида шогирдлар ижросидаги “Таржеи Бузрук” мисолида бунинг илк ажойиб натижаларини яққол тасаввур этиш мумкин. Кейинчалик ишонган шогирдларидан консерватория доценти Абдурахим Ҳамидов раҳбарлиги остида Шашмақом чолғу йўлларини тўлиқ ҳолда кафедра талабалари мақом ансамбли ижросида граммофон лаппакларга муҳрлаб чиқарилиши диққатга сазовор воқеага айланди. Эндиликда аввалги шогирд созандаларнинг етишган неварачевара авлод ўринбосарларининг сони эса беҳисоб.

Ўзбекистон мусиқа санъати дарғаларидан бўлган Фаҳриддин Содиқов улғувор миллий бастакорлик удумларини авайлаб асраш ва ривожлантириш ишига, ноёб ижро йўлларини амалда қўллашга, ижодкорлик навларини кўпайтиришга баракали ҳисса қўшди ва шу ажойиб анъаналарнинг умрбоқийлигини яна бир карра исботлади.

Моҳир бастакор ўзи яратган асарларни нотага тушириш юзасидан, айрим замондош ўзбек бастакорларидан фарқли ўлароқ, мукамал касбий кўникма ва малакага эга бўлгани шубҳасиз. Нафақат анъанавий йўналишдаги ўз асарларини, балки халқ чолғулари оркестри учун мўлжалланган партитураларни мустақил равишда пухта ишлаб чиққани маълум. Ўз вақтида Содиқов Тошкент консерваторияси халқ чолғулари, кейин композиторлик факультетларида таҳсил кўргани бе-самар бўлмади, албатта.

Ушбу тўпلامга киритилган нота мисолларининг каттагина қисми мусиқа муаллифи қўлёзмаларидан тўғридан-тўғри кўчирма бўлиб, булар кенг доирадаги мусиқачиларнинг фойдаланиши учун мўлжалланмаган эди. Мазкур нота тасвирларини асл мусиқий намунанинг муайян чизгиларига қиёс қилиш мумкин холос. Басталаган янги асарини хонандага ўргатиш жараёнида устоз-муаллиф овоз, соз ёҳуд чолғу жўрлигини муайян ўзгартишлар, қўшимчалар, ижровий безаклар билан бойитган ҳолда жарангини такомил поғонага олиб чиққани рост. Бироқ, аксар ҳолларда булар нота ёзуви ҳужжатларида белгиланмасдан қолган. Шундай экан, эндиликда дурдона асарлар нота матнларини баркамол ижро намуналарига мувофиқлаштириш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифалардандир.

Равшан ЮНУСОВ
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
профессор


ЭЙ, ЧЕХРАСИ ТОБОНИМ

Мукимий шеъри

М.М. ♩ = 66-69




Эй, чех-ра-си то - бо - ним,



о-шиқ-ла-ри хай-ро - ним,



Эй, чех-ра-си то - бо - ним (ай) о-шиқ-ла-ри



хай ро - ним,

Йўқто-қа-ти ҳиж-ро - ним (ай)



(ай-ло-на-ма най) васл и-ла да-во ай - ланг,



Эй, зул-фи па-ри - шо - ним,

аҳ-ди ҳа-ма ёл-ғо -



ним,

Син-ди қа-ни



пай-мо - ним (а),

(ай-ло-на-ма най) бир меҳ-ру ва-фо ай - ланг.



Эй, бул-бу-ли шў-ри - да,



то-қай ди-ли аф-сур - да,

Бўл-май да-ми о-су - да,

(ай-ло-на-ма-най) Гул вақ-ти на-во ай - ланг,

Бўл-май да-ми о-су - да, (ай-ло-на-ма-най) Гул вақ-ти на-во

ай - ланг,

О-хирме-ни бе - мо - ра Қил мар-ха-ми

наз-зо - ра, *ff*

Ким ай-ди-ки, хуш - то - ра (ей), (ай-ло-на-ма ней) Юз жав-ру жа-фо

ай - ланг. Гар қил-са Му-қи - мий хун,

Рух-со-ра-ла - ри гул - гун *f* Ин-со-фа ке-

лур бир кун, (ай-ла-на-ма-ней) ҳақ-қи-га ду-о ай - ланг,

Ин-со-фа ке - лур бир кун,

(ай - ла-на - ма-ней) ҳақ-қи - га ду - о ай - ланг,

Эй чехраси тобоним,
Ошиқлари ҳайроним,
Йўқ тоқати ҳижроним,
Васл ила даво айланг.

Эй, зулфи паришоним,
Аҳди ҳама ёлғоним,
Синди, қани паймоним,
Бир меҳру вафо айланг.

Эй, булбули шўрида,
Токай дили афсурда,
Бўлмай дами осуда,
Гул вақти наво айланг.

Охир мени бемора
Қил марҳами наззора,
Ким айдики, хуштора
Юз жавру жафо айланг.

Гар қилса Муқимий хун,
Рухсоралари гулгун.
Инсофа келур бир кун,
Ҳаққиға дуо айланг.

БИР ГЎЗАЛ

Миртемир шеъри

М.М. ♩=68-74



Из-ла рим - ни то- пол - май ох-лар у- рар - миш.

Гир-гир ю- рар - миш, хай-рон бۆ- лар - миш.

Ёл-ту-риб яп- рок - лар-ла сух-бат ку- рар - миш.

хай-рон бۆ- лар - миш.

Ишк у - чун ос-мас

ким-са ме-ни деб дор - га, Баъ- зан кў-лин

чў- зар - миш. мунг-ли ду - тор - га. Баъ-зан кў-лин

чў-зар-миш мунг-ли ду- тор - га. Соғ-лик-лар ти-лар

эр-миш, о-лис-да ёр-га. Асл хуш- тор - га,

хаж- ри - да зор - га Са-лом-лар йўл-лар

эр-миш, Мен ин-ти-зор - га,
хаж-ри - да зор - га.

Дейдиларким шаҳримда бир гўзал бормиш,
Ҳар оқшом боққа кириб, мени сўрармиш.
Изларимни тополмай, оҳлар урармиш.

Гир-гир юрармиш,
хайрон бўлармиш,
Ўлтуриб япроқлар-ла, суҳбат қурармиш...

Ишқ учун осмас кимса, мени деб, дорга -
Баъзан қўлин чўзармиш мунгли дуторга,
Соғлиқлар тилармиш, олисда ёрга.



Асл хушторга,
ҳажрида зорга...
Саломлар йўллармиш мен интизорга...

ҲАЁСИНИ КЎР

С.Абдулла шеъри

Moderato

Ҳа-ё би-лан қа-ра кўз, кўз-ла-ри қа-ро - си-ни кўр
Ҳа-ё би-лан қа-ра кўз
кўз-ла-ри қа ро - си - ни кўр Қа-ро кў-зи-да а-нинг
шарм и-ла ҳа-ё - си-ни кўр Ки-но-я эт-ди сен-га



Ҳаё билан қара кўз, кўзлари қаросини кўр,
Қаро кўзида анинг шарм ила ҳаёсини кўр.

Киноя этди сенга, ним нигоҳ билан ул шўҳ,
Узоқ тикилма деди, рамз илтижосини кўр.

Қабоқни чекмаги ҳам, шунчалар фарах анггиз,
Замири ишвасидан севгига ризосини кўр.

Ҳамиша нози бўлур, ишваи муҳаббатнинг,
Нигорни нозини кўр, жон учун физосини кўр.

Мурувват этса сенга, кўз учида ул маҳваш,
Рақибнинг ҳолига боқ, қайғуси, азосини кўр.

Ҳаё ҳақида ёзу, қўрқма танадан Собир,
Чекинма майли неча беҳаё сазосини кўр.

СЎЛИМ БАҲОР

А.Исроилов шеъри

Rubato (эркин)



Сў - лим ба - хор, сў - лим ба - хор, сў - лим на - хор



нур - га тўл - ган йў - лим ба - хор Шу л ба - хор - га гу л - ба - хор - га



я - ра - шиғ - лик ди - ё - рим бор я - ра - шиғ - лик ди - ё - рим



бор. Ел пар - во - на гу л ко - ши - да гу л



ко - ши - да Эл ку - йи - да



шўх на - ши - да гў - зал - лик бор, на - фис - лик бор гу л - лар - нинг



ол ка - ра - ши - да о о о - - гу л - лар - ниол



ка - ра - ши - да Сў - лим ба - хор, сў - лим ба - хор, нур - га тўл -



ган йў - лим ба - хор, нур - га тўл - ган йў - лим ба - хор.



Гул боғ-лар-да ёр ви-со-ли, ёр
ви-со-ли. Ёр ви-со-ли
гул ми-со - ли чаш-ма - лар - да кўрк о-ша - ди Боғ-лар-га
я-ра-ша - ди боғ-лар-га ёр я-ра-ша -
ди. Сў-лим ба- хор, сў-лим ба- хор нур-га тўл - ган
йў - лим ба- хор, нур-га тўл - ган йў-лим ба- хор. О о
о о нур-га тўл - ган йў-лим ба- хор.

Сўлим баҳор, сўлим баҳор, сўлим наҳор,
Нурга тўлган йўлим баҳор.
Шул баҳорга, гул баҳорга,
Ярашиғлик диёрим бор.

Ел парвона гул қошида,
Ел куйида шўх нашида.
Гўзаллик бор, нафислик бор,
Гулларнинг ол қарашида.

Сўлим баҳор, сўлим баҳор, сўлим наҳор,
Нурга тўлган йўлим баҳор.

Гул боғларда ёр висоли,
Ёр висоли - гул мисоли.
Чаманларда кўрк ошади,
Боғларга ёр ярашади.

Сўлим баҳор, сўлим баҳор, сўлим наҳор,
Нурга тўлган йўлим баҳор.

ВАТАН МАРШИ

Marcia ♩=120

Ансамбль

mf

Дойра

$\frac{2}{4}$

f

p

f

f





p

f

f

p

f



ОНА ВАТАНИМ

У.Раҳмон шеъри

Moderato





Эй а-зиз ўл
ка - миз жон Ўз-бе- кис - тон, Эй гў-зал бағ-ри кенг, бағ-ри-кенг
қу-ёш-ли ма-кон Та-риф-да тас-ви - ринг бў-лур бир жа -
хон, Қир-да-ланг яш-на-ган пор-лоқ гу-лис - тон гу-лис-тон
Сев-гим-сан, бах - тим - сан шо-ну та- ним - сан,
тинч-ли-ги бар - ка - рор гул Ва-та- ним - сан.

Эй азиз ўлкамиз жон Ўзбекистон,
Эй гўзал бағрикенг қуёшли макон.
Таърифда тасвилинг бўлур бир жаҳон,
Қир-даланг яшнаган порлоқ гулистон.
Севгимсан, бахтимсан, шону танимсан,
Тинчлиги барқарор гул Ватанимсан.

ЎЗБЕК ВАЛЬСИ

М.М. ♩=160

p



БАРНО ЙИГИТ

С.Зуннунова шеъри

М.М. ♩ = 96-100



Ширин сўз, барно йигит,
Тилинга болинг борму?
Шайдоларинг бунча кўп,
Ёки иқболинг борму?

Қалдирғоч қанотимас,
Пайваста қошларингдур.
Боқсам барча яхшилар,
Ёру йўлдошларингдур.

Кўнглимни асир этган
Чиройли бўйларингму?
Нурдек поклигинми ё
Меҳнатинг, ўйларингму?

Мен ҳам ёр бўлсам, дейман,
Вафодор бўлсам дейман.
Атрофингда бир умр,
Ўзим ўргилсам дейман.

БҮЛ МЕНГА МАҲБУБ

С.Зуннуова шеъри

Moderato

Тонг от-ган-да ю-зинг- дай
тў-ли-шиб ку- либ, Мен ў-та-ман кў- чанг - дан
ин-ти-зор бў- либ, ин-ти-зор бў- либ.
Зим-дан на-зар таш- лай - ман кут-луғ у- йинг - га, жон,
кут - луғ у - йинг - га Зо - ра кў - зим
туш - са деб кад - ду бў - йинг - га,
кад-ду бў- йинг- га.
Сен бўл-санг эй бе-пар-во бу-ни бил- май - сан,
Бал-ки бил-санг ҳам ме-ни кўз-га ил- май - сан
Би - ла - ман дил- дор киз - сан о - шик - ла - ринг кўп,

жон, о - шик - ла-ринг кўп, Ран-жит-май-ман

бир у-мр, бўл мен-га маҳ - буб, бўл мен-га маҳ - буб.

Тонг отганда юзингдай тўлишиб кулиб,
 Мен ўтаман кўчангдан интизор бўлиб.
 Зимдан назар ташлайман қутлуғ уйингга,
 Зора кўзим тушса деб қадду-бўйингга.

Сен бўлсанг эй бепарво буни билмайсан,
 Балки билсанг ҳам мени кўзга илмайсан.
 Биламан дилдор қизсан ошиқларинг кўп,
 Ранжитмайман бир умр, бўл менга маҳбуб.

ЁР БИЛИБ

Дутор
 сози

М.Зиёева дуторга мослаштирган

М.М= 64

This page of musical notation consists of ten staves of music, likely for a piano. The notation is in treble clef and includes various musical symbols such as notes, rests, and dynamic markings. The dynamics range from *p* (piano) to *mf* (mezzo-forte). The music features complex rhythmic patterns, including sixteenth and thirty-second notes, and is marked with articulations like accents, slurs, and breath marks. The key signature has one sharp (F#). The notation is arranged in a single column, with each staff containing a line of music. The first staff begins with a *mf* dynamic. The second staff continues with similar rhythmic patterns. The third staff has a *mf* dynamic. The fourth staff continues the rhythmic flow. The fifth staff has a *mf* dynamic. The sixth staff continues the rhythmic flow. The seventh staff has a *mf* dynamic. The eighth staff has a *p* dynamic. The ninth staff has a *mf* dynamic. The tenth staff has a *mf* dynamic.

The first system of the musical score consists of four staves. The first staff features a complex, rapid melodic line with many sixteenth notes and some grace notes. The second staff continues with a similar rhythmic pattern but with fewer notes. The third and fourth staves show a more melodic and rhythmic development, with some notes marked with a 'w' (trill) and a 'z' (accidental).

ГУЛНОР

Р.Неъматов нотага олган

Allegretto

The second system of the musical score consists of six staves. The first staff begins with a dynamic marking of *f* and features a series of chords and a melodic line. The second staff continues with a similar rhythmic pattern. The third staff has a dynamic marking of *mf* and a *p* marking. The fourth staff has a *p* marking and a *ff* marking. The fifth staff has a *mf* marking and a *p* marking. The sixth staff has a *mf* marking and a *p* marking. The score includes various dynamic markings and articulation marks throughout.

This page of musical notation consists of ten staves of music in a single melodic line, written in a minor key. The dynamics and articulations are as follows:

- Staff 1:** Starts with *f* and *mf*, followed by *p* and *mf*. Includes a fermata.
- Staff 2:** Starts with *p* and *f*. Includes a fermata.
- Staff 3:** Starts with *mf*. Includes a fermata and a trill marked with three asterisks (***) and a fermata.
- Staff 4:** Starts with *pizz.*, followed by *mf* and *f*. Includes a fermata.
- Staff 5:** Starts with *p* and *mf*. Includes a fermata.
- Staff 6:** Starts with *p*, followed by *f*, *sp*, and *pp*. Includes a fermata and the word "заб." above the staff.
- Staff 7:** Starts with *p*, followed by *p*, *f*, *sp*, *pp*, and *p*. Includes a fermata.
- Staff 8:** Starts with *mf*, followed by *f* and *mf*. Includes a fermata.
- Staff 9:** Starts with *p*, followed by *mf*, *f*, *mf*, and *p*. Includes a fermata.

mf
p

mf
p

f mf p

f mf p

ГУЛЛАР ВОДИЙСИ

Т.Тўла шеъри

М.М. ♩ = 96-106

Ка-мо-ли иш-ти-ёк бир-лан е-тиш-тир-ган ди-ё - рим-сан,

Бу-тунюрт ол-ди-да ўч-мас ко-зон-ган эъ-ти-бо - рим-сан,

ко-зон-ган эъ-ти-бо - рим-сан.

(о) Кў-зим ол - ди-да ўс - дин-гу, кў-лим-да

пар - ва-риш топ- динг, шу-нинг-чун ай - та- ман -
 - ки иф - - ти-хо - р(и) - ла иф-ти-хо - рим-сан.

Камоли иштиёқ бирлан етиштирган диёримсан,
 Бутун юрт олдида ўчмас қозонган эътиборимсан.

Кўзим олдида ўсдингу, қўлимда парвариш топдинг,
 Шунинг-чун айтаманки, ифтихор-ла: ифтихоримсан!

Яшил қишлоқ яратдим, мангу қолдим бу биёбонда,
 Десам кўнглим чаман бўлғай бу қишлоқни: баҳоримсан!

Мени бахт нурига фарқ этди меҳнат, шонли давроним,
 Яша эй, Мирзачўл, доим чаманда жон диёримсан!

ГЎЗАЛ

(Айлансин опанг)

Т.Тўла шеъри



М.М. ♩ = 63-66

Пар-во-йинг йўқ сев-га-ним-ни бил - май - сан (ай),
 Ўт-га-ним-да бир кай - ри-либ кул- май - сан, Ё-ки биз-ни
 на-зар пи-санд қил- май - сан, (а - - а)
 О-либ кўнг- лим, бирин-соф-га кел-май- сан. Ай-лан-син гў - зал
 гў-залю - зинг - дан (ай) қош ос-ти-да коп-қа-ро - шах-ло кў зинг - дан.

Парвойинг йўқ, севганимни билмайсан,
 Ўтганимда бир қайрилиб кулмайсан,
 Ёки бизни назар-писанд қилмайсан,
 Олиб кўнглим, бир инсофга келмайсан.

Айлансин гўзал, гўзал юзингдан,
 Қош остида қоп-қаро шахло кўзингдан.

Тонг отганда чиқдим мана йўлингга,
 Гул узатдим меҳрим қўшиб, қўлингга.
 Етган бўлса мендан озор дилингга,
 Кеч гуноҳим, тасаддуқман бўйингга.

Айлансин гўзал, гўзал юзингдан,
 Қош остида қоп-қаро шахло кўзингдан.

МЕНГА НАВБАТ

(Ширмоной)

Т.Тўла шеъри

М.М. ♩ = 164

Эй суб-хи са - бо ел-ла-ри тўх - танг мен-га нав-

бат, мен-га нав - бат! Тинг-ланг ме-ни Поп ел-ла-ри тўх-танг
 мен-га нав - бат. (о - - ой) Куй-лай да-ла-

лар со - зи-га со - зим ун-га хам соз, Сер-завқ да-ла-

бул - бул - лари тўх - танг, мен - га нав - бат!

Шир - мон де - я шир - мон де - я куй - лаб ва э - тиб



лол,

Кел-тир-ди ху-шон



йўл-лар тўх - танг

мен-га нав - бат!

Топ-син ғў-за - лар бағ -




ри-да

я-ши-рин

ға-за- лим - ни

Тол-мас ва та-



рам қўл-лари

тўх-танг

мен - га нав - бат.

Эй субҳи сабоҳ еллари, тўхтанг, менга навбат,
Тингланг мени Поп еллари, тўхтанг, менга навбат!

Куйлай далалар созига созим унга ҳам соз,
Серзавқ дала булбуллари тўхтанг, менга навбат!

Ширмон дея, Ширмон дея куйлаб ва этиб лол,
Келтирди хушон йўллари, тўхтанг, менга навбат!

Топсин ғўзалар бағрида яширин ғазалимни,
Толмас ва тарам қўллари, тўхтанг, менга навбат!

Ошуфта бу дил сатрини сайқалласа зора,
Бўстон бўйи кокиллари, тўхтанг, менга навбат!

Куйлай далалар созига созим унга ҳам соз,
Сир еллари соҳиллари, тўхтанг, менга навбат.

Ширмон дея, Ширмон дея куйлаб ва этиб лол,
Келтирди хушон йўллари, тўхтанг, менга навбат!

Қўй, токи Туроб юртини куйлаб мазза қилсин,
Яйраб яна кўнгиллари тўхтанг, менга навбат.

ЗУҲРОГА

Allegro moderato

Т.Тўла шеъри

p f

p

Сен-га ка-раб ха-во-ла - ди и-ро - да-миз,

Гар-чи сен - дан бе-ни-хо - я и-ро -

- да-миз. *sf* Ха-во-ла-

ди тинч о-мон-лик қа-но-ти - да, Сен-га ка-раб

о-лам о - лам му ро - ди-миз. му ро -

- ди-миз

У-чиб бо-рар ко - и-нот - нинг чи-ро - ғи-га

sf Юл-дуз-лар-дан сир-ға та-қиб

қу - ло - ғи-га *sf*

У-чиб бо-рар кўз-кўз қи-либ юр-ти- миз - ни
 Ер То-хи-ри Зух - ро киз - нинг қу-чо -
 ги- га қу- чо - ги-га.


Сенга қараб ҳаволади иродамиз,
 Гарчи сендан бениҳоя иродамиз.
 ҳаволади тинч-омонлик қанотида,
 Сенга қараб олам-олам муродимиз.

Учиб борар коинотнинг чироғига,
 Юлдузлардан сирға тақиб қулоғига.
 Учиб борар кўз-кўз қилиб юртимизни,
 Ер Тоҳири Зухро қизнинг қучоғига.

ЮР БОҒЛАРГА

У.Носир шеъри

ча-ман юр боғ-лар - га эл-тай е- так - лаб,
 гул-зор юр боғ-лар



- лаб, Гу-наф-ша-лар те-риб бе-рай сен - га
э - так - лаб (0)

Гулзор чаман юр богларга элтай етаклаб,
Гунафшалар териб берай сенга этаклаб.
Чакканга тақ тўлиб турсин ойдек юзларинг,
Кундай ёруғ, тундай қора экан кўзларинг.

Севги дўстлик меҳри билан шодлиги ўсар,
У ҳар қачон ёнбошида соямдек юрар.
Гулзор чаман юр богларга элтай етаклаб,
Гунафшалар териб берай сенга этаклаб.

ЁРИМ ТЎҚУР ХОНАТЛАС

А.Бобожон шеъри

f *mp* *sf*
mf *p* Ё-рим тў-қур хон ат - лас, ё-рим тў-қур хон ат - лас,
А-сл Мар-ғу - лон ат - лас. Бир қа-ра-санг а-тир-гул, бир қа-ра-санг
қи-зил гул Бир боқ-санг жа-нон ат - лас.
sf *mf* Ком-би-нат-да ҳар го - хи тин-мас ат-
лас даст - го - хи. Хон ат-лас-га нур тўк-кан,
хон ат - лас - га нур тўк- кан, се-вим-ли ёр чи-ро - йи.

Ёрим тўқур хонатлас,
 Асл Марғулон атлас.
 Бир қарасанг атиргул,
 Бир қарасанг қизил гул.
 Бир боқсанг жанон атлас.

Комбинатда ҳар гоҳи,
 Тинмас атлас дастгоҳи.
 Хонатласга нур тўккан,
 Севимли ёр чиройи.

ҚОРАБАЙИР

А.Пўлат шеъри

М.М. ♩ = 92-96

p Чор-ва-миз-нинг сав-ла-ти-дур ко - ра ба-йир о-ти

миз, Йил-ки-миз-нинг чи-ро - йи-дур, бу-кил-мас қа-но-ти-миз.


Эр-ка-ла-ниб киш-на-ган - да

жа-ранг-лар да - ла, тоғ - лар, Жан-га-вор-лик хис-ла-ти кўп,

меҳ-нат-да кўн-гил чоғ-лар. Меҳ-нат-да кўн-гил чоғ-лар, оҳ

жон тул-по-ри - миз.

Е-ми-ши-га тенг ке- лол-мас



хат-то кўк - да бур- гут - лар, Қил-ган и-ши эл - га ман - зур,



мақ-то-ви - бор бир даф- тар. Ҳар кун у-ни эр-ка-ла - тиб ёл-ла-ри-ни



га- рай - ман, мен о-тим-га ме-ҳир кў - йиб, ҳам-ро-ҳим деб



ка- рай- ман. Ҳам-ро-ҳим деб ка- рай- ман. ох, жон тул-по-ри- миз.



Ға-рам ға-рам я-шил бе - да уч-қур тул - по -



рим-га - дур, Шул тул-по-рим мен-дан сов - ға а-зиз ди - ё - рим-га - дур.



Минг-минг бўл-син о - шиб дўст-лар, ко-ра ба-йир о - ти - миз,



Дав-ла-ти-нинг по-ё - ни йўқ Те-му-рий ав - ло-ди- миз,



Те-му-рий ай - ло-ди - миз. ох, жон тул - по - ри-



миз, ох, жон, тул - по - ри - миз

Чорвамизнинг савлатидур қорабайир отимиз,
Йилқимизнинг чиройидур, букилмас қанотимиз.
Эркаланиб кишнаганда жаранглар дала, тоғлар,
Жанговорлик хислати кўп, меҳнатда кўнгил чоғлар.

Меҳнатда кўнгил чоғлар,
Оҳ... жон тулпоримиз!

Елишига тенг келолмас ҳатто кўкда бургутлар,
Қилган иши элга манзур, мақтови бор бир дафтар.
Ҳар кун уни эркалатиб ёлларини тарайман,
Мен отимга меҳр қўйиб, ҳамроҳим деб қарайман.

Ҳамроҳим деб қарайман,
Оҳ... жон тулпоримиз!

Фарам-фарам яшил беда учқур тулпоримгадур,
Шул тулпорим мендан совға азиз диёримгадур.
Минг-минг бўлсин, ошиб дўстлар, қорабайир отимиз,
Давлатининг поёни йўқ Темурий авлодимиз.

Темурий авлодимиз,
Оҳ... жон тулпоримиз!

ЗАРАФШОН

А.Пўлат шеъри





Зи-ло-линг шар - ба - ти-дин бах - ра ол-май кан - ча ер чан-қоқ,



Су-винг ден-гиз - га тенг дар - ё ла-бинг-да ўс - ма-син ян-тоқ.



Фа-ро-вон - лик я-на ош-син гў-зал во- дий-га оқ тез-роқ,



А-му, Сир-лар би - ланмавж ур, Бу гун жис - минг-га жон кел - ди.



Бу гун жис - минг-га жон кел - ди. Бу-тунду - нё - да тинч-лик бар -



- қа-ро-р хур - рам за - мон кел-ди, А-жо-йиб хуш за -



мон кел - ди, Я-на хур - рам за - мон кел - ди.

Қучоғинг оч Зарафшон
Бағрингга чин қаҳрамон келди,
ҳаётигга сенга ҳозир,
Ажойиб хуш замон келди.

Сахий бўл шарқираб оқсин,
Сувинг ташна биёбонга.
Тақир чўлларни обод қил,
Яна зўр имтиҳон келди.

Зилолинг шарбатидин
Баҳра олмай қанча ер чанқоқ,

Сувинг денгизга тенг дарё,
Лабингда ўсмасин янтоқ.

Фаровонлик яна ошсин,
Гўзал водийга оқ тезроқ.
Аму, Сирлар билан мавж ур,
Бугун жисмингга жон келди.

Бутун дунёда тинчлик барқарор,
Хуррам замон келди,
Ажойиб хуш замон келди,
Яна хуррам замон келди.

ЗУЛАЙҲО БЎЛСАНГ

Ю.Шомансур шеъри

Allegro moderato

Не-га сев-май
но-за-ни-ну та-ман-но бўл-санг, Ишқ ў-ти-да
ён-ган қалб-га та-сал-ло бўл-санг На бўл-ғай-ки
уч-раш-ган-да бир қи-ё бо-қиб,³ Бу мах-ли-ё
о-ши-ғинг-га мах-ли-ё бўл-санг. *f*
Юл-дуз-лар кўп, гул-юз-лар кўп ам-мо на қи-лай,
қал-бим а-ро фа-қат ў-зинг жо-ба жо- бўл-санг.
Не-чун бо-қай ке-ча-ла-ри са-мо-га маф-тун,
Ё-ним-да-ги ё-ниб тур-ган Су-рай-ё бўл-санг.

Нега севмай нозанину таманно бўлсанг,
Ишқ ўтида ёнган қалбга тасалло бўлсанг.
На бўлғайки учрашганда бир қиё боқиб,
Бу маҳлиё ошиғингга маҳлиё бўлсанг.

Юлдузлар кўп, гул юзлар кўп аммо на қилай,
Қалбим аро фақат ўзинг жо-бажо бўлсанг.
Нечун боқай кечалари самога мафтун,
Ёнимдаги ёниб турган Сурайё бўлсанг.

АЙБ ЭТМА

З.Обидов шеъри

Allegro moderato

mf

(a)

Айб эт-ма ка - рол- май - ман оф-тоб-дек жа-мо-линг-га.

Тал-пин-сам - да мен най - лай хус нинг-га ка-мо-линг-га.

Сўн-ган ка-би юл- дуз - лар кўр-сат-са ку - ёш юз-ни,

Сўн-ган ка-би юл-дуз - лар кўр-сат-са ку ёш юз-ни

Кўр-гай-ман за-бун ўз - ни туш-са ми-со - линг-га,

Кўр-гай-ман за-бун ўз - ни туш - са ми-со - линг-га.

§ яқунлаш учун

(o) ул лаб-ла-ринг бо-линг-га.

Айб этма қаролмайман офтобдек жамолингга,
Талпинсамда мен найлай ҳуснингга камолингга.
Сўнган каби юлдузлар кўрсатса қуёш юзни,
Кўргайман забун ўзни тушса мисолингга,
Ул лаблари болингга.

ОҚ ОЛТИН КАРВОН-КАРВОН

3. Обидов шеъри

Moderato



Оқ ол - тин кар - вон кар



вон, ёр мо - ши - на ру - ли - да. Пах - та дан хиз - мон я - сай



ёр ўт - ган йўл бў - йи - дан, Ёр ўт - ган йўл бў - йи - дан. Йўл ё -



ка - си те - ра к - зор, Шо - хи - дан тут - қиз - май - ди. Бел - лаш



ган - да биз - нинг ёр, Ҳеч ким - дан қо - лиш - май - ди. (О) -



Оқ ол - ма ки - зил ол - ма ёр ўт - ган - да



о - та ман кар - вон - дан орт - да қол - ма, дўст - лар -



дан у - я - та - ман, дўст - лар - дан у - я - та - ман.

Оқ олтин карвон-карвон
Ёр мошина рулида.
Пахтадан ясай хирмон,
Ёр ўтган йўл бўйидан.


Йўл ёқаси теракзор,
Шохидан тутқизмайди.
Беллашганда бизнинг ёр,
Ҳеч кимдан қолишмайди.

Оқ олма, қизил олма,
Ёр ўтганда отаман.
Карвондан ортда қолма,
Дўстлардан уятаман.

ТЎЁНА

М.Қориев шеъри

М.М. ♩ = 72



ор - зу у- ми - дим, тинч- лик, иқ- бо - лим гў- зал,
 сев- ги- лим ўл- кам ди- ё - рим, Ўз- бе кис - то -
 ним гў- зал, Ўз - бе- кис - то - ним гў- зал.

Шу улуг байрам тонгида боғи бўстони гўзал,
 Бу Ватанда меҳнат ила шуҳратим-шоним гўзал.
 Тинч яшаш орзу-умидим, тинчлик, иқболим гўзал,
 Севгилим ўлкам-диёрим, Ўзбекистоним гўзал.

Бу Ватанга нур сочади товланиб зар офтоб,
 Оқ олтинлар юз очади, тонналар ҳам беҳисоб.
 Бу тўёна ҳур Ватанга, оқ олтин коним гўзал,
 Шу улуг айёмда дўстлар, тоғи хирмоним гўзал,
 Севганим ўлкам-диёрим, Ўзбекистоним гўзал.

ҲАЁ

М.Қориев шеъри

Иш - қим-ни ош-кор э -
 тар-га дил- да ор ай-лар ҳа - ё иш -
 Кўз-га кўз туш-ган-да ле - кин о - ш-кор ай-лар ҳа - ё

ff Гар-чи сев-дим бун-ча хам душ-вор э-кан иқ-ро - ри ишқ, Тил - нилол эт-сам ди лим-ни о - зо - ри зор ай - лар ха - ё.

Ишқимни ошкор этарга дилда ор айлар ҳаё,
 Кўзга кўз тушганда лекин ошкор айлар ҳаё.
 Гарчи севдим бунча ҳам душвор экан иқрори ишқ,
 Тилни лол этсам дилимни озори зор айлар ҳаё.

ГУЛЛАР ТУТАЙ ҚЎЛИНГГА

Н.Холхўжаева шеъри

Moderato

Би-ла-сан-ми э мардва-фо - дор Яш-наб кел - ди
 я - на гул-ба-хор. Йўл-ла-ринг-да ни-го - рон кў-зим,
 кел-май бун-ча қил-динг ин - ти-зор. Йўл-ла-ринг-да
 ни-го - рон кў-зим, Кел-май бун-ча қил-динг ин-ти-зор.

f Кўз-ла-рим-га кўн-ма-йин уй - ку,
 Қал-бим дей-ди не-га кел - мас у Ўт-са ҳам-ким
 ой ва фа-сл - лар, Сев-гим я-шар ди-лим - да ман-гу.

Биласанми э мард, вафодор,
 Яшнаб келди яна гулбаҳор.
 Йўлларингда нигорон кўзим,
 Келмай бунча қилдинг интизор.

Кўзларимга кўнмайин уйқу,
 Қалбим дейди нега келмас у.
 Ўтса ҳамким ой ва фасллар,
 Севгим яшар дилимда мангу.

ЎЙНА ГУЛИМ

Allegro

Н.Холхўжаева шеъри

Ўй-на-гил
 гу-лим ўй-на, шўх лик-ла-ринг - ни кўй - ма. Ўй-на-гин
 гу-лим ўй-на, шўх лик-ла ринг - ни кўй - ма. Шугул гун
 ха-ё- тинг - дан завқи-ла жў-шиб куй - ла. *f*



Кў-линг-да қув - ноқ со - зинг

бун-ча-лар хуш о- во - зинг



Кў-линг-да қув - ноқ со - зинг

бун-ча-лар хуш о- во - зинг



Кўнг-лим-га бе-рар о - ром

Хариш-ва-ю хар но - зинг.



Кўнг-лим-га бе-рар о - ром

хариш-ва-ю хар но - зинг.



Ўйнагил гулим ўйна,
Шўхликларингни қўйма.
Шу гулгун ҳаётингдан,
Завқ ила жўшиб куйла.

Гулсану гул қучарсан,
Шўх рақсларга тушарсан.
Товусни ҳам этиб лол
Елдек-енгил учасан.

Кўлингда қувноқ созинг,
Бунчалар хуш овозинг.
Кўнглимга берар ором,
Ҳар ишваю ҳар нозинг.

Чертиб юрак торимни,
ўйнатай дилдоримни.
Дилимни қилиб хушнуд,
Олди ихтиёримни.

ВАФОДОР

Э.Раҳимов шеъри

Allegro moderato



(a)



Че-га-ра - чи а-зиз ёр,

ю-ра-гим-да бир сир бор. Қалб ин-ти - зор ку-та - ди,

Кел-сай-ди деб ва -фо дор. Ке-ча сиз-дан

Andante espressivo

хат ол - дим, Ҳар сў-зин-гиз ёд ол - дим

Пар-воз қи-лар се-вин - чим у-чар-га

ка-нот ол - дим бў-линг Ва-тан пос-бо - ни, Тинч-лик

бўл-син ос - мо - ни. Хур я - шай-ди э - ли - миз Ва-тан меҳ-ри-бон.

им Че-га-ра-чи

а-зиз ёр ю-ра-гим-да бир сир бор. Қалб ин-ти - зор ку-та -

ди, кел - сай - ди деб ва - фо - дор.

кел - сай - ди деб ва - фо - дор.

rit.

Чегарачи азиз ёр,
 Юрагимда бир сир бор
 Қалб интизор кутади,
 Келсайди деб вафодор.

Кеча сиздан хат олдим,
 Ҳар сўзингиз ёд олдим.
 Парвоз қилар севинчим,
 Учарга қанот олдим.

Бўлинг Ватан посбони,
 Тинчлик бўлсин осмони.
 Ҳур яшайди элимиз,
 Ватан меҳрибон.

Чегарачи азиз ёр,
 Юрагимда бир сир бор
 Қалб интизор кутади,
 Келсайди деб вафодор.

ХУМОР

Ё.Мирзо шеъри

Andante

Ёр дўп-пи-син дол қў йиб, гул ю-зи-га хол қў йиб
 Тил у-чи-га бол қў-йиб ноз қи-лар дил-дор, дил - дор,
 ноз қи-лар дил-дор, дил - дор. а - - -
 Иш-ва-си кўн-гил ё-кур, сўз ла-ри бий
 рон о-кур. У - я-либ қи-ё бо-кур кўз - ла-ри ху -
 мор ху мор, кўз ла-ри ху - мор ху - мор.

Ёр дўпписин дол қўйиб,
 Гул юзига хол қўйиб
 Тил учига бол қўйиб,
 Ноз қилар дилдор, дилдор.

Ишваси кўнгил ёқур,
 Сўзлари бийрон оқур.
 Уялиб қиё боқур,
 Кўзлари зумор, хумор.

ҚЎЗИМ

Р.Комилов шеъри

Andante moderato

Кўз ко-рам янг-лиғ а- зиз - сан
 тан-ти ўғ- ло - ним кў- зим, Ме ва-сан
 бо-ғим-да пиш-ган сен қа- дир - до-ним кў-зим.
 Тан-га ро-хат бел-га қув ват сен ша-раф шо-ним кў-зим.
 Бағ-ри-ма бос-ган ма- хал - да завқ о-лар жо-
Allegro Moderato
 ним кў-зим. Соғ-лом ўс
 ғай-рат-ли бўл-гил чар-ча-май ол-ғил и- лм, Қол-ма-син сан

бил-ма-ган хеч бир ху нар фаз лу би-лим. *f*

Гул Ва-тан-га хиз-мат эт-санг рах-мат ай-тар хур э-лим,

Сен би-лан бахт - ли ў-тар бул боғ - да хар о - ним

кў-зим, боғ - да хар о - ним кў-зим.

Кўз қорам янглиғ азизсан, танти ўғлоним кўзим,
 Мевасан боғимда пишган сен қадирдоним кўзим.
 Танга роҳат, белга қувват, сен шараф-шоним кўзим,
 Бағрима босган маҳалда завқ олар жоним кўзим.

Соғлом ўс ғайратли бўлгил, чарчамай олғил илм,
 Қолмасин сен билмаган ҳеч бир ҳунар, фазлу билим.
 Гул Ватанга хизмат этсанг раҳмат айтар хур элим,
 Сен билан бахтли ўтар бул боғда ҳар оним кўзим.

БЎЗ ЙИГИТ

Дутор
 сози 

М.Зиёева дуторга мослаштирган

М.М. $\text{♩} = 100$

mf

mf

ОЛТИН ИЖОДКОРЛАР

П.Мўмин шеъри

Allegro Moderato



Пах-та-зор



пол - вон - ла-ри,

мен сиз-га чер-тай тор - лар,



Жўр бў-лин-гиз куй-ла-рим-га

кўз-ла-ри ху-мо - ри-лар,



кўз-ла-ри ху-мо - ри-лар.

Завқба-ғиш-лар

сиз я-рат-ган



пах-та-зор

гул-зо-ри-лар.

Минг та-сан-но пах-та-кор-лар



ол-тин и-жод- кор - лар,

ол-тин и-жод кор - лар.

sf



Ол-ти-ним

хир-мон бў-либ



юк-сал-ди кенг

ос-мон-га!

sf



Дов-ру-гин-гиз шуъ-ла соч-ди

бу му-заф-фар

тонг-га!

Мен бу-гун



боқ-сам тў-йиб

хар бир йи-гит

жа-но-ни-га

Минг та-сан-но

1. | 2.

пах-та-кор-лар ол-тин и-жод кор - лар, ол-тин и-жод кор - лар.

Пахтазор полвонлари мен сизга чертай торлар,
 Жўр бўлингиз куйларимга, кўзлари хуморилар.
 Завқ бағишлар сиз яратган пахтазор гулзорилар,
 Минг тасанно пахтакорлар – олтин ижодкорлар.

Олтиним хирмон бўлиб юксалди кенг осмонга!
 Довруғингиз шуъла сочди бу музаффар тонгга!
 Мен бугун боқсам тўйиб ҳар бир йигит жаҳонига,
 Минг тасанно пахтакорлар – олтин ижодкорлар.

КЎНГЛИНГДА БЎЛСАМ

П.Мўмин шеъри

Allegro

f

Moderato

mf

Сен э - рур - сан ол - га-ним кўз ос-ти-га,
 Сен э рур - сан ол - га-ним кўз ос-ти-га,

Қад-динг ўх - шар боғ - да гул бўй-бас - ти-га.

Ноз и-ла ўт-динг ке-ча боғ ё - ни-дан,

Кўз - ла-ринг ё туш-ди-ми жон қас - ди-га?



Ерта-ги-дан



бир са-вол от-ди кў-зинг, Ё-ки мен-га



бор - ми-ди ай-тар сў-зинг.



Ё - ки мен-га бор - ми-ди ай-тар сў-зинг?



Тер-му-либ қол-ган э-дим, оҳ тер - му- либ...




бир на- фас-да зим-зи-ё бўл-динг ў-зинг. *sf*



mf Сен о- доб - да я-го - на, Де-ма ме-ни бе-го -



на. Из - ла-дим ё - на ё - на,



Эй, шўх жо - но - на, шўх жо - но - на.

Сен эурсан олганим кўз остига,
Қаддинг ўшар боғда гул бўй-бастига.
Ноз ила ўтдинг кеча боғ ёнидан,
Кўзларинг ё тушдими жон қасдига?

Сен одобда ягона,
Дема мени бегона.
Изладим ёна-ёна,
Эй, шўх жонона.

Ер тагидан бир савол отди кўзинг,
Шунчалар иссиқ туюлди юлдузинг.
Термулиб қолган эдим, оҳ термулиб...
Бир нафасда зимзиё бўлдинг ўзинг.

Сен одобда ягона,
Дема мени бегона.
Изладим ёна-ёна,
Эй, шўх жонона.

Кўзларимдир интизор, йўлингдан,
Ҳарна этсанг, мен мана қўлингдан.
Сен менинг кўнглимдасан эй, сарвиноз,
Бахтиёрман бор эсам кўнглингдан.

Сен одобда ягона,
Дема мени бегона.
Изладим ёна-ёна,
Эй, шўх жонона.

ЗЕБИХОН

Б.Мирзаев шеъри

M.M. ♩=60

Сен қу-рол ол-динг кў-линг - га, эл у-чун, шо-нинг у-чун.
Гул ди-ё-ринг ё-ру дўс - тинг, хам қа-др - до-нинг у-чун.
Қақ-ша-тар от-ган ў-кинг шар-ман-да ёв - лар тў - да-син,
Қақ-ша-тар от-ган ў-кинг

шар-ман-да ёв - лар тў - да-син. Чун-ки сен ўз-бек қи-зи
- сан, шу у-луғ но - минг у-чун.

Сен қурол олдинг қўлингга,
Эл учун, шонинг учун,
Гул диёринг, ёру дўстинг,
Ҳам қадрдонинг учун.

Демасун қўрқоқ сени, -
Деб жангга кирдинг, қайтмадинг,
Чунки сен содиқ Ватанга,
Зебихон номинг учун.

Қақшатар отган ўқинг,
Шарманда ёвлар тўдасин.
Чунки сен ўзбек қизисан,
Зебихон номинг учун.

Белни боғлаб наъра тортдинг,
Минг йигитга бош бўлиб,
Қайтма жангдан, олға бос,
Халқинг, қадрдонинг учун.

Чунки сен ўзбек қизисан,
Зебихон номинг учун.

ЗУЛАЙҲО БЎЛСАНГ

Дутор
сози 

М.Зиёева дуторга мослаштирган

М.М. ♩ = 64

This page of musical notation consists of ten staves of music. The notation includes various rhythmic patterns, such as eighth and sixteenth notes, and rests. Dynamics are indicated by *mf* (mezzo-forte) and *f* (forte). Articulations include accents, slurs, and hairpins. A first ending bracket is present at the bottom of the page, marked with "1." and "rit." (ritardando). The music is written in a single melodic line on a grand staff.

ЧОРЛОВ-1

Andante espressivo

Musical score for ЧОРЛОВ-1, measures 1-4. The score is in 2/4 time, key of B-flat major. It features a treble and bass staff. The melody in the treble staff begins with a quarter rest, followed by a quarter note G4, and then a series of eighth notes: A4, Bb4, A4, G4, F4, E4, D4. The bass staff has a whole rest in the first measure, followed by a half note G3 in the second measure, and a whole note G3 in the third measure. The piece concludes with a double bar line in the fourth measure.

Musical score for ЧОРЛОВ-1, measures 5-8. The score is in 4/4 time, key of B-flat major. It features a treble and bass staff. The melody in the treble staff begins with a quarter note G4, followed by a quarter rest, and then a series of eighth notes: A4, Bb4, A4, G4, F4, E4, D4. The bass staff has a whole rest in the first measure, followed by a half note G3 in the second measure, and a whole note G3 in the third measure. The piece concludes with a double bar line in the fourth measure.

ЧОРЛОВ-2

Andante-Moderato-espressivo

Musical score for ЧОРЛОВ-2, measures 1-4. The score is in 6/8 time, key of B-flat major. It features a treble and bass staff. The melody in the treble staff begins with a quarter note G4, followed by a quarter note A4, and then a series of eighth notes: Bb4, A4, G4, F4, E4, D4. The bass staff has a whole rest in the first measure, followed by a half note G3 in the second measure, and a whole note G3 in the third measure. The piece concludes with a double bar line in the fourth measure.

Musical score for ЧОРЛОВ-2, measures 5-8. The score is in 2/4 time, key of B-flat major. It features a treble and bass staff. The melody in the treble staff begins with a quarter note G4, followed by a quarter note A4, and then a series of eighth notes: Bb4, A4, G4, F4, E4, D4. The bass staff has a whole rest in the first measure, followed by a half note G3 in the second measure, and a whole note G3 in the third measure. The piece concludes with a double bar line in the fourth measure.

ЧОРЛОВ-3

Musical score for ЧОРЛОВ-3, measures 1-4. The score is in common time (C), key of B major. It features a treble and bass staff. The melody in the treble staff begins with a quarter note G4, followed by a quarter note A4, and then a series of eighth notes: B4, A4, G4, F4, E4, D4. The bass staff has a whole rest in the first measure, followed by a half note G3 in the second measure, and a whole note G3 in the third measure. The piece concludes with a double bar line in the fourth measure.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
“Эй чеҳраси тобоним”. Муқимий ш.	7
“Бир гўзал”. Миртемир ш.	9
“Хаёсини кўр”. С.Абдулла ш.	11
“Сўлим баҳор”. А.Исроилов ш.	13
“Ватан” марши	15
“Она Ватаним”. У.Раҳмон ш.	17
“Ўзбек вальси”	17
“Барно йигит”. С.Зуннунова ш.	20
“Бўл менга маҳбуб”. С.Зуннунова ш.	21
“Ёр билиб” /чолғу йўли/	22
“Гулнор” куйи	24
“Гуллар водийси”. Т.Тўла ш.	26
“Гўзал” (“Айлансин опанг”). Т.Тўла ш.	27
“Менга навбат” (“Ширмоной”) Т.Тўла ш.	28
“Зухрога”. Т.Тўла ш.	30
“Юр боғларга”. У.Носир ш.	31
“Ёрим тўқур хонатлас”. А.Бобожон ш.	33
“Қорабайир”. А.Пўлат ш.	34
“Зарафшон”. А.Пўлат ш.	36
“Зулайҳо бўлсанг”. Ю.Шомансур ш.	38
“Айб этма”. З.Обидов ш.	39
“Оқ олтин карвон-карвон”. З.Обидов ш.	40
“Тўёна”. М.Қориев ш.	41
“Ҳаё”. М.Қориев ш.	42
“Гуллар тутай қўлингга”. Н.Холхўжаева ш.	43
“Ўйна гулим”. Н.Холхўжаева ш.	44
“Вафодор”. Э.Раҳим ш.	45
“Хумор”. Ё.Мирзо ш.	47
“Қўзим”. Р.Комилов ш.	48
“Бўз йигит” /чолғу йўли/	49
“Олтин ижодкорлар”. П.Мўмин ш.	51
“Кўнглинда бўлсам” П.Мўмин ш.	52
“Зебихон”	54
“Зулайҳо бўлсанг” /чолғу йўли/	55
Ўзбекистон радиоси “чорлов” куйлари №1, №2, №3	57

ФАХРИДДИН СОДИҚОВ

куй, қўшиқ ва ашулалари

САЙЛАНМА

Нота муҳаррири *М.Набиева*
Компьютерда тайёрловчи *Б.Ашуров*

Босишга рухсат этилди 25.04.2014.
Бичими 60 x 84 1/8. Pragmatica Uzbek гарнитураси.
Шартли б.т. 7,5. Адади 100.